# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 26 февраль, № 40 (5970) Чоршанба


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 февраль куни Оқсаройда Беларусь Республикаси, Латвия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Грузия, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Николай Клакевич, Эдгарс Бондарс, Найтхарт Хёфер-Виссинг, Константин Жгенти, Намик Гунер Эрпул, Сунь Лицзедан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчилар билан суҳбатда уларни мамлакатимизда шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришга киришаётгани билан самимий қутлади. Ўзбекистон улар вакили бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб келгани ва бундан буён ҳам эътибор қаратишини қайд этиб, элчиларнинг фаолиятига муваффақият тилади.

Мулоқот чоғида бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликка оид салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор асосида изчил ривожланаётгани ва бу барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар доирасини янада кенгайтириш имконини бераётгани таъкидланди.

Элчи Николай Клакевич мамлакатларимиз ва халқларимизни вақт синовидан ўтган дўстлик ришталари боғлаб туришини, уларнинг манфаатлари йўлида икки томонлама алоқаларни изчил ривожлантиришга ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Латвия элчиси билан суҳбатда мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотлар, икки мамлакат парламентлари, ишбилармон доиралари, илм-фан ва таълим, маданият ва санъат вакиллари ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг 2013 йилнинг октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар, улар якунида имзоланган 31 ҳужжат ўзаро манфаатли ҳамкорлик равнақига янги суръат бахш этди.

Элчи Эдгарс Бондарс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, аввал эришилган давлатлараро шартнома ва келишувларни ҳаётга татбиқ этиш учун бутун куч-ғайрати ва дипломатик тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада ортиб, 591 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари иштирокида илғор технологиялар асосида нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қатор корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Элчи Найтхарт Хёфер-Виссинг Ўзбекистондаги фаолияти мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон ва Грузия ўзаро ҳамкорликни икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасида изчил ривожлантириб келмоқда. Мулоқот чоғида таъкидланганидек, иккала мамлакат ҳам ўзаро фойдали муносабатларни кенгайтириш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка янгича суръат бахш этишдан манфаатдор.

Грузия элчиси Ўзбекистонга тайинланганини ўзи учун юксак шараф деб билишини ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сифатида ўзаро фойдали бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан бирдек манфаатдор. Бу Президент Ислом Каримовнинг яқинда Сочида Туркия Бош вазири Ражаб Таййиб Эрдўғон билан қисқа учрашувида яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Туркия элчиси Ўзбекистонга тайинланишини юксак даражадаги дипломатик мақом деб билишини ҳамда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

Хитой элчиси билан мулоқот чоғида таъкидландики, 2012 ва 2013 йиллардаги олий даражали ўзаро ташрифлар, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг икки томонлама ва минтақавий муҳим масалалар юзасидан атрофлича музокаралари, мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа битимлар ўзаро ҳамкорликнинг асосларини янада мустаҳкамлади, барча йўналишлардаги давлатлараро алоқаларга янги суръат бағишлади.

Элчи Сунь Лицзе Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни тенглик ва узоқ муддатлилик асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, ғоят муҳим бўлган бу вазифани амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишга тайёрлигини таъкидлади.

**(ЎзА).**

## ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР



**Ўтган йили мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатида**

# 13,6

**фоиз ўсишга эришилди.**





### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

*Кеча "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуида бир йўла учта —"Қурилиш — UzBuild 2014", "Иситиш ва ҳавони алмаштириш тизимлари, сунъий иқлим ҳосил қилиш, сув таъминоти, сантехника ва ҳовузлар — Aqua-Therm Tashkent 2014" ҳамда "Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари — MebelExpo Uzbekistan 2014" халқаро кўргазмалари иш бошлади.*

Соҳа мутахассислари интиқиб кутадиган мазкур йирик саноат анжуманлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзқурилишматериаллари" компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан ташкил этилди.

Маълумки, қурилиш — иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда ривожланаётган тармоғи. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб, ҳар йили кўплаб замонавий иншоотлар, кўркам тураржойлар, йирик саноат объектлари, кенг ва равон йўллар, муҳташам таълим муассасалари қурилаётгани, пировардида шаҳару қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб, тобора кўркам қиёфа касб этаётгани, аслида, бу соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилгани қурилиш саноатининг ривожланишида муҳим омил бўлаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилди. Унда судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини тубдан яхшилаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини бундан буён ҳам таъминлаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятининг ташкил этилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Сўнгра депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси этиб ўзгартирилиши муносабати билан ишлаб чиқилди. Айрим ҳуқуқий нормаларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида "Радиочастота спектри тўғрисида"ги, "Алоқа тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Ҳаво кодексига тузатишлар киритилмоқда.

Ҳар томонлама моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Масъул қўмитага қонун лойиҳасини кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш чоғида депутатлар фикрларини инобатга олиш топширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколат доирасига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати.**

## МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК

### аҳоли ва банклар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим воситадир

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан "Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш" лойиҳаси ижросига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.*

### ДАВРА СУҲБАТИ

Унда Европа Иттифоқи, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти сингари халқаро ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа микромолиявий институтларнинг мутахассислари қатнашди.

Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман давлатимиз раҳбарининг "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган навбатдаги тадбирлардан бири ҳисобланади.

Марказий банк ҳузуридаги Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги директори З. Умаровнинг айтишича, ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад молиявий хизматларни оммалаштириш орқали аҳолининг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш ва кичик бизнес субъектларининг бундай хизматларга бўлган талабини оширишдан иборатдир.

Шунга кўра, ҳозирги кунда бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, аҳолининг турли гуруҳлари учун молиявий саводхонликни ошириш мавзуидаги тренинг модуллари ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ, жойларда семинарлар ўтказиш, мавзуга доир тайёрланган материалларни тарқатиш режалаштирилган.

Давра суҳбати доирасида молиявий саводхонликни ошириш бўйича мавжуд таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан давлат идоралари, таълим муассасалари ва молия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам муҳокама этилди. "Менинг оилавий бюджет китобчам", "Менинг кундалик пулларимни режаловчи китобчам", "Банк иши асослари", "Жамғариш моҳияти" ҳамда "Молиявий саводхонлик асослари" номли қўлланмаларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Аёлга, Онага эҳтиром давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизлар ўзларига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда, ижтимоий фаолият майдонига дадил чиқа бошладилар. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли оила ҳамда жамиятда соғлом муҳит шаклланди.*

## Аёлга эҳтиром — Онага, Ватанга эҳтиром

Қувонарлиси, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар жорий йилда ҳам давом эттирилиши Президентимизнинг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида алоҳида қайд этилган. Чунончи мазкур ҳужжатга биноан, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги тузилмалари зиммасига улкан, айни пайтда долзарб вазифалар юклатилган.

Халқимизда "Уйи тинчнинг кўнгли тинч" деган ибора бор. Уйни иккинчи бир ном билан "Отамакон" деб ҳам атаймиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида уй-жой берилиши минглаб хонадонларга қувонч олиб кирмоқда. Бундай ғамхўрлик эса, табиийки, оилалардаги фаровонликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Давлат дастурида ёш оилаларга уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун узоқ муддатли фоизсиз ссудалар бериш белгиланганки, шу банднинг ўзиёқ дастурнинг ҳаётийлигини, турмуш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлайди.

Аёл хоҳ олима бўлсин, хоҳ санъаткор ёки сиёсатчи бўлса-да, энг аввало, хонадон бекаси, рўзғор устуни ҳисобланади. Унинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш Давлат дастуридан жой олганлиги аёлларимиз учун қулайлик ва имкониятлар яратиб беради. Аёлнинг рўзғор юмушлари енгиллашса, техника қанотига кирса, ўзининг маънавий, маданий савиясини оширишга имкони кенгаяди. Дастурда шунингдек, оилани мустаҳкамлаш, ёш оилаларни маънавий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш алоҳида қайд этилганки, бунда йиллар синовидан муваффақиятли ўтиб келаётган қадриятларимизни асосий тарбия воситасига айлантиришда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотларидан яна ҳам фаолроқ, фидойироқ бўлиш талаб этилади.

**(Давоми 2-бетда).**

# Ижтимоий шерикликнинг муҳим кафолати

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил ноябрь ойида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришди.*

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Концепцияда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда, долзарб ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ҳамда ролини оширишга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари таклиф қилинган эди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга йўналтирилган.

Қонун лойиҳаси махсус ташкил қилинган Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ишлаб чиқилди. Ушбу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, турли илмий тадқиқот, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси 2014 йилнинг 24 февраль куни парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоларидан иборат ҳамда ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган бир гуруҳ депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди.

Қонун лойиҳаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, Қонунчилик палатаси Кенгаши қошида қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим қилинди. Маълумки, ушбу гуруҳ фаолияти сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳи), қўмиталар ва комиссияларнинг қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичларидаги таклиф ҳамда фикрларини ҳисобга олиш ва самарали мувофиқлаштиришни таъминлашга қаратилгандир.

Депутатлар томонидан “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, муҳим ижтимоий, социал-иқтисодий қарорлар қабул қилиш, манзилли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга, мамлакатни ривожлантиришнинг долзарб ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларини ҳал қилишга кенг аҳоли қатламини жалб этишга хизмат қилади.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилиб, янги босқичга кўтарилиши кутилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Зеро, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида фақат қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилиши белгилаб берилган.

Мамлакатимиз қурилиш салоҳияти ютуқларининг чинакам намойишига айланган нуфузли тадбирлар эса соҳага инновацион ва илғор технологик ечимларни олиб кириш, чет эллик мутахассислар кўмагида йирик лойиҳаларни амалга оширишда келишувларга эришиш учун қулай шарт-шароитларни яратиб бераётир. Шу боис унга бўлган қизиқиш ортиб, қатнашувчи давлатлар ва компанияларнинг сони тобора кўпайиб бораётир. Айтайлик, “UzBuild” лойиҳасининг илк намойишида атиги 20 га яқин компания иштирок этган бўлса, жорий йилда дунёнинг 20 мамлакатидан 136 та компания ўз маҳсулотлари билан қатнашаяпти. Бошқача айтганда, ўтган 15 йил мобайнида 900 дан ортиқ компаниялар ўз фаолиятини ўзбекистонлик ишбилармонлар билан боғлаш имкониятига эга бўлди.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган, қурилиш салоҳияти юксак давлатдир, — дейди “Ferplast” (Италия) компанияси вакили Мауро Мушатэлли. — Бунга Тошкент шаҳрини томоша қилиб, яна бир карра амин бўлдим. Сабаби, бу ерда бунёд этилган улкан бино ва иншоотлар ташқи қиёфасининг гўзаллиги, мустаҳкам ҳамда пишиқ қурилгани билан менда катта таассурот қолдирди. Ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад эса юртингиз ишбилармонлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишдир. Қурилиш ишларида қўлланиладиган кенг турдаги маҳсулотларимиз билан танишган мутахассислар, айниқса, сантехника жиҳозларига катта қизиқиш билдираяпти. Ўйлайманки, тўрт кун давомида кўплаб шартномалар тузиш имконига эга бўламиз.



Бу йилги кўргазмаларнинг ўзига хослиги шундаки, унинг экспозициясида қурилиш материаллари ва ускуналаридан ташқари, иситиш ҳамда вентиляция, электр асбоблари, интерьер ва дизайн, сопол ҳамда пардозлаш тошлари, ландшафт ва кўкаламзорлаштириш, дераза ва витражлар каби кўплаб бўлимлар ишлаб турибди. Уларда йирик техникалардан тортиб, ноанъанавий маҳсулотлар дейсизми ёки тезкор қурилиш ашёларими — барчасини топасиз.

— Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларимиз мустаҳкамланишида ушбу кўргазманинг аҳамияти катта, — дейди “Mammut Building Systems” (Бирлашган Араб Амирликлари) компаниясининг Марказий Осиё минтақаси бўйича савдо менежери Кришненду Пал. — Чунки унда қатнашиб, янги ҳамкорлар топишга муваффақ бўлдик. Масалан, бизнинг компаниямиз енгил конструкцияли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва шу асосда замонавий иншоотлар қуришга ихтисослаштирилган. Биз таклиф қилаётган материаллар асосида йирик объектларни тез ва сифатли барпо этиш имконияти мавжудлиги, таннархининг нисбатан арзон тушиши боис Европа ҳамда МДҲ давлатларида унга талаб катта. Мамлакатингизда эса шу кеча-кундузда 6 та лойиҳани якунлаш арафасида турибмиз. Бу галги кўргазмада ҳам кўплаб шартномалар имзолашга эришаётганимиз ҳамкорлик алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Ташкилотчиларнинг мамнуният билан айтишларича, кўргазма мунтазам равишда такомиллаштириб борилаётгани янги намойиш майдонларига асос солиб, турдош тармоқлар ривожига ҳам кенг йўл очмоқда. Бунга иситиш ва ҳавони алмаштириш тизимлари, сунъий иқлим ҳосил қилиш, сув таъминоти, сантехника ва ҳовуз жиҳозлари ишлаб чиқариш тармоғидаги ўзгаришлар яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қурилиш индустриясининг ажралмас қисми бўлган бу соҳа кейинги йилларда барқарор ривожланмоқда. Буни намойиш этилаётган маҳсулотларнинг ранг-баранглиги, уларнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги ҳам тасдиқлайди. Масалан, “Silver Nile” масъулияти чекланган жамияти томонидан таклиф қилинаётган иситиш тизимлари, сантехника маҳсулотлари, қувур ва ҳовуз жиҳозларига талаб йил сайин кучаймоқда.

— Ўтган йилги кўргазмада 40 миллион сўмлик шартномаларни имзолаган эдик, — дейди мазкур жамият менежери Элёр Мўминов. — Жорий йилда бу кўрсаткични 100 миллион сўмликка етказишни мўлжаллаяпмиз. Сабаби, тадбирда бир неча янгиликлар билан иштирок этаяпмиз. Шу йили ишлаб чиқарилиши кутилаётган экологик тоза биоёқилғи, айниқса, кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Гап шундаки, корхонамиз қошида чиқиндисиз технология асосида ёғоч қипиқлари, дарахтлар шох-шаббалари, ўсимликлар қолдиқларидан кўмир ўрнини босувчи биомасса тайёрлашни йўлга қўяяпмиз. Унинг иссиқлиги юқори ва ҳидсиз бўлиб, нафақат уй-жойларни иситиш, балки иссиқхоналарда фойдаланиш мумкин. Кўргазмада тушаётган талабларни инобатга олиб, ички бозорга ойига 80 тонна атрофида ана шундай маҳсулот чиқаришни режалаштираяпмиз.

Ўн биринчи бор ўтказилаётган “MebelExpo Uzbekistan 2014” халқаро кўргазмаси бурчаклари ҳам одамлар билан гавжум. Бу ерда намойиш этилаётган турфа офис, уй, ётоқхона, ошхона мебеллари, жиҳозлаш ва дизайн ашёлари, иккиламчи хом ашёлар билан яқиндан танишган киши республикамизда саноатнинг ушбу тармоғи ҳам жадал ривожланаётганига ишонч ҳосил қилади. Илгари ички эҳтиёжнинг асосий қисми импорт ҳисобига таъминланган бўлса, эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардош маҳсулотлари билан пешқадамликни қўлга олишган. Бунда, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши салмоқли эканлиги эътиборга молик. Улар томонидан таклиф этилаётган турли мебеллар кўргазмага ташриф буюрган Австрия, Беларусь Республикаси, Германия, Эрон, Италия, Хитой, Корея Республикаси, Малайзия, Словения, Чехия каби давлатлар мебелсозларининг маҳсулотлари билан рақобатлаша олаётгани бунинг исботи эмасми?!

Иштирокчилар билан суҳбатлашар экансиз, улар учала йирик тадбирнинг бир пайтда ўтказилиши ҳар томонлама фойдали бўлганини таъкидлашмоқда. Нега деганда, бу ишлаб чиқарувчилар учун тармоқлараро кооперациянинг ривожланишига хизмат қилса, қатнашчиларга бир пайтнинг ўзида хонадон ва офис жиҳозлари учун ўзаро келишувларга эришиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашади.

Халқаро кўргазмалар 28 февралга қадар давом этади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

# Аёлга эҳтиром — Онага, Ватанга эҳтиром

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биласиз, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос ҳунармандчилик турлари ривожланган. Замонлар ўтиши билан баъзи ҳунармандчилик турлари, ҳатто, унутилиб кетаётган эди. Касаначилик фаолиятининг йўлга қўйилиши билан қўй юнгидан урчуқ йигириб ип олиш, ундан турли буюмлар тўқиш қайта урфга кирди. Саломатлик учун ниҳоятда зарур бўлган бундай табиий буюмлар тўқиш маълум маънода, аёллар ташаббускорлигига йўл очувчи фаолият бўлди. Хизмат тақозоси билан чекка-чекка қишлоқларга борсак, уйда фарзанд тарбияси билан банд бўлган опа-сингилларимиз унутилган ҳунармандчилик турларини ўша ҳудуддаги кексалардан ўрганиб, замонга мос, ёшларбоп буюмлар яратаётганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг дид-фаросати, ихтирочилиги кишини ҳайратга солади.

Юртимизда аёллар спорти, болалар спортига эътибор янги паллага кирди. Давлат дастурида спорт билан мунтазам шуғулланаётган ҳамда кам таъминланган оилаларда ўсиб-улғаяётган 189 минг нафар қизнинг махсус кийим билан таъминланиши кўзда тутилган. Чунки либоснинг ҳам руҳияти бор. У ўз эгасини измига солади. Соғлом ёшлик, соғлом муҳит ана шундай эътибор туфайли яралади.

Истеъдодли қизлар юртимиз фахри, бахти. Улар ўз изидан юзлаб қизларни эргаштиради. Чунки ҳаётда муваффақиятларга эришган инсонларга ҳавас билан яшаш табиатимизга хос. Бинобарин, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳасида муваффақият қозонаётган, аъло хулқли ва юксак иқтидорли қизларга кўрсатилаётган беқиёс рағбатдир. Бугун уларнинг сони 196 нафарга етди. Мактаб, академик лицей, коллеж ўқувчиларидан тортиб, олий ўқув юрти талабаларигача қамраб олинган, “Зулфия издошлари” деб аталган бу ҳаракат жамиятимизда ижобий тўлқин ҳосил қилди. Шеъриятга, санъат, спортга интилиш, фан оламининг дарвозаларини ишончлироқ қоқиш — бу шахдам интилишлар 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизлар дунёсига янги бир мазмун бахш этди.

Ёш олима қизлар, тадқиқотчилар орасида ўтказилиши мўлжалланган “Илм юлдузлари” танлови эса фан оламининг янги юлдузларини кашф этиш йўлидаги олға қадамимиз бўлиб келмоқда.

Аввал мактаб ўқувчилари учун, сўнг лицей, коллежларда “Ораста қизлар” тўгараклари ташкил этилган бўлса, айни кунда бу тўгараклар фаолияти кенг кўлам касб этиб, маҳалла тизимига ҳам олиб кирилди. Соғлом турмушни ташкил этиш, она ва бола саломатлиги борасида кўп фикр-мулоҳазалар билдирилади, хулосалар қилинади. Аслида, соғлом турмушга эришиш оддий санитария-гигиена қоидаларига амал қилишдан бошланишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам “Ораста қизлар” тўгараги аъзолигига шифокорлар, тажрибали уй бекалари, кўпни кўрган онахонлар ҳам жалб этилди.

Маълумки, ҳар бир яратилаётган янги оила жамиятнинг янги таянчи. Йигит-қизлар оила қуради, оилада фарзандлар дунёга келади. Миллат насли давом этади. Оила — қадриятларни авлоддан-авлодга олиб ўтади. Оилада янги анъаналар яралади. Оила — тарбияхона, меҳрхона. Шу маънода, давлатимиз раҳбари янги оилалар бунёд бўлиши, уларнинг оёққа туриб олиши, икки ёшнинг бир-бирига мустаҳкам риштолар билан боғланиши, қисқача айтганда, оила маданияти, маънавиятига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ёш оилалар учун қурилаётган уйлар, уларнинг хонадонига ёрдам сифатида берилаётган имтиёзли кредитлар — буларнинг ҳаммаси оила қуриш Ватанимизда шахсий ҳодиса даражасидан ижтимоий даражага кўтарилаётганидан дарак беради.

Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган дастурлар, қонун ва қарорларнинг қай бирига синчков назар ташласак, Инсон сиймоси кўзга ташланади. Инсон саломатлиги, иш билан бандлиги, ҳаётда, жамиятда ўрнини топиши, фарзандлар тарбиялаш каби инсон умридаги барча муҳим жиҳатлар ушбу ҳужжатларда ўз аксини топган. Айниқса, аёл бахт-саодати, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун кўрсатилаётган меҳру эътиборнинг қиёси йўқ. Бундай эъзоз ва эҳтиром эса бизни юрт тараққиёти, фарзандларимизнинг порлоқ истиқболи учун виждонан, сидқидилдан хизмат қилишга ундайверади.

**Озода ПАРПИБОЕВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари.**

ТАДБИР

*Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида Идоралараро кенгашнинг ўтган йилдаги фаолияти ва бу борадаги устувор вазифаларга бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.*

# Ҳуқуқий маданият

## кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг пойдеворидир

Таъкидланганидек, фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда ушбу масала давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият касб этган. Буни Идоралараро кенгаш томонидан фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўтган йилда мазкур йўналишда 385 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларда юртдошларимизнинг қарийб барчаси қамраб олинди. Шу билан бирга, ушбу тадбирлар самарадорлигини янада оширишда интерфаол шакллардан фойдаланишга доир қўлланма тайёрланиб, жойларга етказилди. Айни чоғда ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш бўйича салмоқли натижалар қўлга киритилди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Т. Сайидбобоев. — Мазкур қарор асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган бўлиб, ҳозир ушбу йўналишда ҳам муайян ишлар олиб борилаяпти. Муҳими, ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли аҳоли, хусусан, ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки кучайиб, уларда фуқаролик позицияси ва ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксалиб бормоқда.

Тадбирда Идоралараро кенгашнинг жорий йилдаги устувор вазифалари хусусида ҳам сўз юритилди. Уларни бажаришда, албатта, оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Маданий меросни муҳофаза қилиш ва ижро масъулияти

*Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан БМТнинг 1972 йилда имзоланган Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияси талабларининг вилоятдаги ижросини ўрганиш ва муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда юртимизда маданий ва табиий меросни муҳофаза этиш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга бекаму кўст етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Маълумки, мамлакатимиз БМТнинг Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясига қўшилган бўлиб, ушбу Конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда, бутун инсониятга тегишли меросни аниқлаш, уни муҳофаза қилиш, оммалаштириш ва тиклаш учун барча ҳуқуқий, илмий-техник, маъмурий ва молиявий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, ўтган даврда “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, вилоятда Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши борасида муайян ишлар амалга оширилган.

— Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Бухоро шаҳрининг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, уларни ўрганишга давлатимиз томонидан устуворлик берилган бўлиб, ниҳоятда кенг миқёсдаги саъй-ҳаракатларни ўзида мужассам этган, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Фармон Аминов. — Бу борада зарур ҳуқуқий асос яратилгани, ташкилий механизм шакллантирилгани муҳим омил бўлмоқда. 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика маданият ёдгорликлари реестрига вилоятимиздаги 660 та маданий мерос объекти киритилганини инобатга оладиган бўлсак, уларни муҳофаза қилиш ва асраш борасидаги ишлар кўлами ўз-ўзидан ойдинлашади. Бинобарин, мазкур йўналишдаги юмушларда маҳаллий давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг роли тобора ошмоқда. Айни чоғда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари бу борада изчил фаолият олиб бораётгани диққатга сазовордир.

Сенаторлар ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари раислари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, бир қатор институтлар олимлари иштирок этган йиғилишда юртимиздаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб таклифлар ўртага ташланди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёшларнинг таянчи ва суянчи

*Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган йигит-қизларни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган вазифалар белгилаб берилган.*

САРҲИСОБ

Навоий шаҳрида ўтказилган “Камолот” ЁИҲ Навоий вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида шу хусусда сўз борди. Айтиш керакки, “Камолот” вилоятда яшовчи 180 минг нафарга яқин ўғил-қизни ўз атрофига жипслаштирган. Улар иштирокида “Ватан ҳимояси — муқаддас”, “Ҳар тенгдошга — бир ғазал”, “Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик!”, “Камолот кунлари”, “Китобхонлар байрами” каби лойиҳалар, “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси”, “Йилнинг энг фаол ёш журналисти”, “Президент асарлари билимдони” кўрик-танловлари, “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” ёшлар фестивали, “Юртимни обод этаман” оммавий ёшлар ҳашарлари анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётир.

Айниқса, воҳа ёшларини тадбиркорликка кенг жалб қилишда “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Менинг бизнес ғоям”, “Бир тадбиркор — уч ҳамкор” каби лойиҳалар муҳим ўрин тутаётир.

Анжуманда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгашининг фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Ёшларнинг мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардаги иштирокини янада кенгайтириш, кенгаш фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар билдирилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, ёшлар учун “Талабалар боғи” яратиш, кутубхона, китоб дўкони фаолияти ҳамда компьютер хизматларини йўлга қўйиш, тўлов-контракт асосида таълим олаётган йигит-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Ўтган йили дунё бўйича йирик компаниялар томонидан акциядорларга 1,03 триллион АҚШ доллари миқдорида дивиденд тўланган.*

## Тўлаш қобилияти юксалди

Бу кўрсаткич аввалги йилдагидан икки, 2009 йилдагидан эса 43 фоиз кўпдир. Экспертлар компанияларнинг тўлов қобилияти юксалаётганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаб, буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ортда қолаётгани билан изоҳлашмоқда.

## Ҳамёнбоп телефон

*АҚШнинг “Mozilla” компанияси энг арзон смартфонни намойиш қилди.*



Унинг нархи 25 долларга тенг бўлиб, “Firefox OS” операцион тизимида ишлайди. Қурилмани буюртма асосида Хитойнинг “Spreadtrum” компанияси тайёрлаб берган. Манбада айтилишича, “Mozilla” шу орқали ҳамёнбоп смартфон ишлаб чиқариш мумкинлигини исботлашни мақсад қилган.

Бунгача ҳам АҚШ компанияси унча қиммат бўлмаган уч турдаги смартфон моделини омма эътиборига ҳавола этганди. 80-100 АҚШ доллари атрофида турадиган ушбу маҳсулотлар ҳозир жаҳоннинг ўн беш мамлакатида сотилмоқда.

## Оёқ остидаги фалокат

*Вьетнам шимоли-шарқидаги Лайтяу музофотида осма кўприкнинг қулаб кетиши оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмди.*

Бундан ташқари, яна 37 нафар одам тан жароҳати олган. Маҳаллий полиция берган маълумотларга кўра, воқеа содир бўлган пайтда ундан 40 нафардан кўпроқ одам ўтаётган эди. Оқибатда барча йўловчилар 20 метр баландликдан тоғ дарасига тушиб кетган.

Қурилганига атиги бир йил бўлган мазкур иншоотда нима сабабдан бундай фожиа юз бергани ҳозирча номаълум.

## Етти тонналик манго йўқолди

*Австралиянинг Квинсленд штати Боуэн шаҳрида ўрнатилган манго мевасининг улкан ҳайкали ўғирлаб кетилди.*



Мазкур жиноят тунда содир этилган. Шаҳар маъмуриятини баландлиги 10 метр, оғирлиги эса 7 тоннага тенг бўлган “мева” қандай олиб кетилгани таажжубга солмоқда. Ҳудуд сайёҳлик ахборот маркази раҳбари Пол Макфалиннинг айтишича, ушбу ҳодиса юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларига шикоят қилинмаган. Чунки мутасаддилар бундай катта нарса тез орада топилишига ишонишмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Мелиорация ва агротехник тадбирлар

тупроқ унумдорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга

Ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ҳисобланади. Шу маънода, аграр тармоқда самарадорликка эришиш, кўп жиҳатдан, заминга эҳтиётkorлик билан муносабатда бўлиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга бевосита боғлиқ. Сўнгги пайтларда дунё миқёсида фойдаланишга яроқли ҳамда унумдор ерлар камайиб бораётганлигини инобатга олсак, бу жуда долзарб вазифадир.



ЖАРАЁН

Маълумотларга кўра, айни пайтда дунё бўйича 13,5 миллиард гектар фойдаланиладиган ер мавжуд. Шундан 1,4 миллиард гектари маданий, яъни экин экиладиган майдон ҳисобланади. Шу билан бирга, 1,1 миллиард гектар ер яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлса, 4,4 миллиард гектари эса чўл, чала чўл ва музликлардан иборатдир.

Халқимизнинг “Ерни боқсанг, у сени боқади” деган ибратли мақоли замирида чуқур маъно мужассам. Чунки экин учун қулай ва унумдор ер қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда республикамизда суғориладиган ерлар 4,31 миллион гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил этади. Уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тўқсон фоизи етиштирилади. Экин майдонларини соз ҳолатга келтириш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёрида ушлаб туриш ишлари 141 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоғи, 3475 та тик зах қочириш қудуғи ҳамда 123 та мелиоратив насос станцияси орқали бажарилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ерни муҳофаза қилиш, айниқса, экин майдонларини мелиорациялаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Қувонарлиси, ўтказилган таҳлиллар юртимизда ушбу йўналишда муайян самарадорликка эришилаётганини кўрсатаётир. Масалан, ўтган йили Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан айнан шу мақсадга 227,5 миллиард сўм йўналтирилди. 237 та лойиҳа доирасида эса тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Пировардида 260 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, республикамизда умумий фойдаланиладиган сув манбаларининг асосий қисми суғориладиган ерларга тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, ундан оқилона фойдаланишни, мавжуд ирригация тизимлари фаолиятини янада яхшилашни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси билан тузилган шартномага биноан, ўтган йилда соҳага ихтисослаштирилган корхоналарга, фермер хўжаликларига жами 189 та мелиоратив техника ва машина-механизм етказиб берилдики, бу мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштиришда қўл келаяпти.

Мутахассисларнинг фикрича, тупроқ унумдорлигининг пасайишига, асосан, минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида юзага келаётган шўрланиш, эрозияга қарши тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаслиги, органик ва минерал ўғитлар қўллашда меъёрларга риоя қилмаслик каби ҳолатлар сабаб бўлмоқда. Шундай экан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар нафақат ундан оқилона фойдаланиш ёки қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эришишга қаратилганлиги, айни пайтда турмушимиз янада фаровон бўлишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Дилмурод БОЙНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ерларни мелиорациялаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

АНЖУМАН

*Маълумки, жаҳон бозорида хандон пистага талаб катта бўлиб, бодом ва ёнғоққа нисбатан 3-4 марта қимматроқ баҳоланади. Шу боис унга “яшил олтин” дея таъриф беришади.*

# Тоғ бағридаги «яшил хазина»

Бугунги кунда дунё бўйича йилига 550 минг тонна атрофида писта етиштирилади. Унинг асосий қисми Эрон, АҚШ, Туркия, Сурия ва Хитой давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Мутахассисларнинг айтишича, пистанинг ватани ҳисобланган Ўзбекистонимизда эса мазкур тармоқни ривожлантириш имкониятлари ниҳоятда юқори. Бунинг учун қулай табиий иқлим шароити ва етарли ер майдони мавжуд.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури томонидан уюштирилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. “Тоғолди ҳудудларида ер ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда, пистазорларни ташкил этиш” мавзуидаги мазкур семинарда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, писта дарахти қурғоқчиликка чидамли бўлгани туфайли уни тоғолди ҳудудларида ҳам парваришлаш ҳар томонлама истиқболлидир. Шу маънода, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг мазкур ҳудудларида пистачиликни йўлга қўйиш қимматбаҳо маҳсулот етиштириш ҳажмини кескин кўпайтириш баробарида, қишлоқ аҳолисининг бандлигини оширишга хизмат қилади.

— Писта нисбатан кеч ҳосилга киради, яъни 5-7 йилда илк мевасини бериб, ҳар уч йилда “дам олади”, — дейди Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий ходими Темур Тўлаганов. — Айни шу жиҳат унга нисбатан қизиқишнинг камайишига сабаб бўлган. Бироқ писта дарахти деярли сув талаб қилмаслиги, минг йилгача мева бериши лалмикор ерлардан самарали фойдаланишда қўл келади. Биз таклиф қилаётган писта етиштиришнинг аралаш технологияси қўлланилганда эса, нисбатан эрта даромад олиш мумкин.

Гап шундаки, бу усулда писта ниҳоллари орасига бодом кўчатлари ўтқазилади. Бодом 3 йилда ҳосилга кириб, писта тўлиқ мева бергунича соҳибкорга қўшимча даромад келтиради. Бу технология Чироқчи туманининг Қуруқсой қишлоғида синовдан муваффақиятли ўтказилаяпти.

Семинарда 2009 йилда бошланган пистазорлар яратиш бўйича мазкур технологиянинг афзалликлари ҳақида сўз юритилар экан, бу нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам ниҳоятда фойдали эканлиги алоҳида таъкидланди. Негаки, тоғолди ва адирликларда пистазорларнинг ташкил этилиши фермерлар учун қўшимча даромад манбаи бўлиб, ерларнинг таназзулга учрашининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Якунда йиғилганларга пистачиликни йўлга қўйиш, хусусан, жой танлаш, ниҳол ўтқазиш ва уларни парваришлаш бўйича тавсиялар берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

диёримизга кириб келаётган баҳорий айёмлар билан муборакбод этиб, муҳтарам аёлларимиз учун ҳамда Наврўз байрамига бағишлаб миллий валютада муддатли янги омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:

«ЛОЛА»
- Сақлаш муддати — 2 ой.
- Бошланғич бадал миқдори — 2 000 000 сўм.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.
- Омонат фақат аёллар учун расмийлаштирилади.
- Омонатга маблағлар қабул қилиш 2014 йил 24 февралдан 15 мартга қадар амалга оширилади.

«НАВБАҲОР»
- Сақлаш муддати — 4 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар фақат накд пулда қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз тўланади.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2014 йил 24 февралдан 25 апрелга қадар амалга оширилади.

ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com *Хизматлар лицензияланган.* 317A/382

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ
Ангрен ва Поп шаҳарларида темир йўл вокзали қурилиши бўйича лойиҳа (архитектура ва дизайн) ишларига танлов эълон қилади.
Манзил: Тошкент ш., Туркистон к., 7-уй.
Телефон: (8-371) 238-89-96.
111R/24

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала-ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёзги ошхонадан иборат 67-сонли дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 109 016 200 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 14 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz
*Лицензия: RR-0001.*
315R/1453

ОИВ/ОИТС, сил ва безгак касалликларига қарши кураш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ҳамда чора-тадбирларни амалга ошириш учун донорлик маблағлари жалб этилишини таъминлаш бўйича
Ташкилотлараро эксперт кенгаши котибияти

Ўзбекистон Республикаси томонидан ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш Глобал жамғармасига янги молиялаштириш механизми доирасида грант олиш мақсадида ОИВ/ОИТС компоненти бўйича талабнома тайёрлаш жараёни бошлаб юборилганлигини маълум қилади.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармойиши билан мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ташкил этилган.

Талабномани ишлаб чиқишда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини **2014 йилнинг 20 марти**га қадар Ташкилотлараро эксперт кенгаши котибиятига тақдим этиши мумкин.

Талабнома шартлари Глобал жамғарманинг **http://theglobalfund.org** интернет сайтида жойлаштирилган.

**Талабнома бўйича таклифларни Ташкилотлараро эксперт кенгаши котибиятининг Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 46-уй, 7-қаватида жойлашган манзилига юбориш мумкин.**
**Телефон: (8-371) 120-00-31.**
316R/141

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН 21 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290-1 (2014 йил 24 февралдан кучга кирди).**

2. «Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 17 январдаги 22, 1, 1-сонли қарори.*

**2014 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2560 (2014 йил 24 февралдан кучга кирди).**

3. «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2014 йил 28 январдаги 1-сонли қарори.*

**2014 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-8 (2014 йил 24 февралдан кучга кирди).**

4. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2014 йил 19 февралдаги 01/19-26/04, 2-сонли қарори.*

**2014 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1649-1 (2014 йил 24 февралдан кучга кирди).**

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси

фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси.

Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.
132/39

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “Маданият ва маърифат телеканали” ДУК бош режиссёри Фатхулла Зоитовга падари бузруквори
**Эргаш ЗОИТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси жамоаси бошқарма бошлиғи Низамиддин Вапаевга турмуш ўртоғи
**Гулноза ДЖУМАНИЯЗОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Ўзбек куй-қўшиқлари ва халқ амалий санъати нуфузли халқаро фестивалда эътибор қозонди

*Ҳиндистоннинг Харьяна штатида “Surajkund Grafts Mela” анъанавий XXVIII фольклор ва халқ амалий санъати халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда ҳинд заминидаги 24 та штат ҳамда дунёнинг қарийб 20 мамлакатида фаолият кўрсатадиган ижодий жамоалар ва халқ амалий санъати усталари, жумладан, Бангладеш, Индонезия, Непал, Россия, Таиланд, Шри-Ланка, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар вакиллари қатнашди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ҳар йили Ҳиндистоннинг муайян штати ва иштирокчи давлатлардан бири “Surajkund Grafts Mela”нинг расмий ҳамкори бўлиши анъанага айланиб қолган. Бу йил ушбу халқаро маданий анжуманда Гоа штати ва Шри-Ланка ана шундай мақом эгалари бўлишди.

“Surajkund Grafts Mela”нинг халқ амалий санъатига бағишланган кўргазмаси доирасида ташкил қилинган мамлакатимиз бўлмаси пештахталаридан “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари М. Нигматов, Т. Саидкулов ва А. Раҳматуллаев етакчилигидаги қўли гул усталар гуруҳи томонидан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар жой олди. Улар юртимизнинг турли ҳудудларида қадимда ва ҳозирги пайтда урф бўлган ўзбек миллий либослари, сўзаналар, дўппи, ипак матодан тикилган рўмол ва халқ амалий санъатининг бошқа намуналаридан иборат эди.

Анжуманда ўзбек халқ миллий санъати “Ўзбекистон” ашула ва рақс гуруҳи томонидан тақдим этилди. Жамоа вакилларининг “Муҳаббатим” ва “Андижонча” деб номланган жозибали рақслари, созандалар ижросидаги “Сурнай навоси” ва “Доира рақси” каби чиқишлар тадбир иштирокчилари ва меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди.

— “Surajkund Grafts Mela” ҳамиша Ўзбекистон делегациясини орзиқиб кутиб келган, — деди **фестиваль ташкилий қўмитасининг масъул котиби Жаинендра Сингх** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида. — Чунки ўзбекистонлик санъат усталарининг маданий дастурлари ҳар йили анжуманимизга ўзгача шукуҳ бағишлайди. Мана, бир неча йилдирки, мамлакатингиз куй-қўшиқ ва рақс усталари ушбу халқаро тадбир доирасида ўз чиқишлари билан меҳмонларимизга олам-олам завқ улашмоқда. Бундан биз беҳад хурсандмиз. Негаки, “Surajkund Grafts Mela” айнан дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро маданий ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга қаратилгандир.

Ўзбек санъаткорларининг мазкур халқаро анжуман доирасидаги маданий чиқишлари Ҳиндистоннинг “ZEEnews”, “NDTV 24x7” телеканаллари, “Бутун Ҳиндистон радиоси”нинг ахборот дастурларида ҳамда “Дагран сити”, “Амар ужала”, “Наводия таймс”, “Ҳиндустан” сингари матбуот нашрлари саҳифаларида атрофлича ёритилди.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

Маданият хабарлари



*Аёл — она, рафиқа, уй бекаси, жамиятнинг фаол аъзоси.*

## Нафосат жозибаси

Истеъдодли мусаввир, ҳайкалтарош Азамат Ҳотамовнинг Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида иш бошлаган асарлари кўргазмасини томоша қиларкансиз, ундаги ижод намуналарини аёл шаънига битилган қасидага менгзайсиз. Негаки, бу асарларда она-табиат, уйғониш фасли билан бир қаторда, аёл сиймоси бутун гўзаллиги, жозибаси билан гавдаланади.

14 мартга қадар давом этадиган мазкур кўргазмадан рассомнинг элликдан зиёд графика ва ҳайкалтарошлик асарлари ўрин олган.

**Моҳира АДИЗОВА.**

## Гулистонда «Кутилмаган меҳмон»

*Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри жамоаси ёзувчи Леонид Филатов асари асосида саҳналаштирилган “Кутилмаган меҳмон ёхуд каккули соат” (таржимон Шароф Бошбеков) комедиясини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.*



Асарда бош ролларни театрнинг етакчи актёрлари Дилором Мирсолиева, Қандиёр Рустамов ҳамда Назмиддин Назаров талқин этган. Асарни ёш режиссёр Нигора Исмоилова саҳналаштирган бўлиб, унда инсоний муносабатлар даражаси тасвирланган.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

O‘ZSANOATQURILISHBANK

*Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самаралари туфайли мамлакатимиз аҳолисининг ҳаёт даражаси тобора юксалиб, турмуши янада фаровонлашиб бормоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган беқиёс ўзгаришлар, ҳудудларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳам тасдиқлаб турибди.*

# «Ҳовли тўйига келинг!»

**«Ўзсаноатқурилишбанк» маблағи ҳисобига уй-жойли бўлган оилалар ўз хурсандчиликларини маҳалладошлари билан баҳам кўришмоқда.**



Айтиш жоизки, аҳолининг реал даромадлари йилдан-йилга ошиб бориши натижасида ўз-ўзидан сифатли уй-жойга бўлган эҳтиёж ҳам ортмоқда. Бу эса тураржой инфратузилмасини тубдан ривожлантириш заруратини юзага келтираяпти. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий уй-жойлар, массивлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Мазкур жараёнда мамлакатимиз тижорат банклари ҳам фаол иштирок этишмоқда.



Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан сўнгги уч йил ичида юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган кўп қаватли тураржой объектлари қурилишини молиялаштиришга 90 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди. Натижада 19 та кўп қаватли “банк уйлари” қурилиб, 700 нафарга яқин ёш оилага янги хонадонларнинг калитлари топширилди.

— Юртимиз йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Буни намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган ҳар томонлама қулай тураржойлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов. — Бу борада тўпланган Ўзбекистон тажрибаси халқаро миқёсда ҳам эътибор қозониб, юқори баҳоланаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қишлоқ жойларни ободонлаштириш, замонавий тураржой массивларини барпо этиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилди.

Дарҳақиқат, шундай. Айни пайтда банк томонидан яна 9 та кўп қаватли тураржой биносининг қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Гарчанд, уларнинг қурилиши ҳали якунланмаган бўлса-да, мазкур уйлар ҳавас қилса арзигулик даражада кўркамлик касб этажаги аниқ.

Табиийки, ҳар бир миллат ўз бағрида ўсиб улғаяётган ёш авлод тимсолида буюк орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган қудратли кучни кўради. Биз ҳам фарзандларимизга ана шундай умид ва ишонч кўзлари билан қараймиз. Ўз-ўзидан аёнки, бундай кучни эртанги ёруғ келажак ва юрт равнақи йўлида беқиёс таянчга айлантириш учун ёшларга эътибор ҳамда ғамхўрлик талаб қилинади. Шуни қувонч билан айтамизки, бу масала мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фикримизнинг ёрқин далили сифатида Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини келтиришимиз мумкин. Зеро, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ёш оила, унинг келажагига бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Чунки мазкур Фармон боис, аввало, ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши ва меҳнат фаолиятини эркин бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, иккинчидан эса, уй-жой ҳамда маиший шароитини яхшилаб олиши учун янада кенгроқ имконият яратилди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг барча филиалларида бу борадаги талаблар ўрганиб чиқилган эди. Ана шу ҳуқуқий ҳужжат асосида биргина ўтган йилнинг ўзида 240 нафар ёш оилага уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш ва уй-жой сотиб олиши учун жами 15,8 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

**Сўнгги уч йил ичида юртимиздаги 700 га яқин ёш оила «Ўзсаноатқурилишбанк» маблағи эвазига уй-жойли бўлиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда.**

— Биласизми, Янги йил айёми оиламиз учун қўшалоқ байрам бўлди. Чунки ушбу шодиёна арафасида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг асосий қарзни қайтаришда 3 йиллик имтиёзли даврни қўллаган ҳолда ажратган ипотека кредити эвазига бунёд этилган кўп қаватли тураржойдан икки хонали уй соҳиби бўлдик, — дейди Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 78-уйда яшовчи Самарбек Умаров. — Фарзандларим ва турмуш ўртоғим билан янги уйда ширин орзу-ниятлар ила яшаяпмиз. Барча қулайликларга эга уйинг бўлганига нима етсин. Қолаверса, бунёд бўлаётган янги тураржой даҳаларида ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш масалалари тўлиқ қамраб олинганлиги бундан-да ажойиб.

— Уй-жой масаласи муаммо бўлиб турган бир пайтда янги уйга кўчиб ўтсанг, бахт қуши елкангга қўнгандай бўларкан, — дейди қашқадарёлик Бахтиёр Бозоров. — Обод турмуш йили оиламизга ажиб ҳаловат бахш этди. “Ўзсаноатқурилишбанк” кўмагидан жуда миннатдормиз. Бундай қулай ва шинам ҳовлилар барчага насиб этсин, дейман.

— Бу эзгу саъй-ҳаракатлар ёшларимизнинг порлоқ истиқболи учун, албатта, — дея сўзида давом этади Жаҳонгир Обиджонов. — Бинобарин, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама баркамол авлод юртимиз эртанги кунининг бунёдкорларидир.

Айни пайтда банк томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида замонавий ва миллий меъморий анъаналар уйғунлаштирилган ҳолда барпо этилаётган ўнлаб уйлар қурилиши ўз ниҳоясига етказилаяпти. Жорий йил охирига бориб, 9 та кўп қаватли “банк уйлари” калитлари ўз эгаларига топширилади.

Албатта, бу билан ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ишларимиз якун топмайди. Айниқса, ушбу йил ёшларимизнинг орзу-мақсадлари ва бахту саодатини таъминлаш борасида яна бир бетакрор хайрли босқичга айланиши, шубҳасиз. Зеро, бугун айнан шу жабҳада олиб борилаётган бири-биридан кўламли ишлар бунга қатъий ишонч уйғотади. Шундай экан, “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам ёшлар билан бирга, уларга мададкор, ҳамкор ва камарбаста бўлаверади.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик даврида мамлакатимиз банк тизими катта йўлни босиб ўтди. У юртимиз молия тизимини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириб, иқтисодиётга инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш, давлатимизнинг ижтимоий соҳага оид қатор дастурларини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли ишларни бажариб келмоқда.

Кўриб турганингиздек, бу жараёнда “Ўзсаноатқурилишбанк” фаол қатнашиб, молия бозорида ўз мавқеини кундан-кунга мустаҳкамлаб бораяпти. Бинобарин, банк жамоаси ўз фаолиятини инсон манфаатларига хизмат қилиш асосида юрт тараққиёти, унинг иқтисодий жиҳатдан равнақ топишига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилиб олган. Аслида, халқ ишончи ва меҳрини қозониб, Ватан истиқболини кўзда тутиб яшашдан-да ортиқроқ саодат йўқ.

**Ф. САНАЕВ.**

*Ҳар бир соҳа ривожида банклар ўзига хос аҳамият касб этади. Хусусан, бугун йирик саноат корхоналари фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг барча жабҳасида уларнинг иштирокини кўриш мумкин. Шу боис ҳам молия муассасалари иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланади.*

*Миллионлаб мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатиб, обрў-эътибор қозонаётган банклар орасида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг алоҳида ўрни бор. Масалан, ўз фаолиятимиздан бир мисол келтирсак. Урганч шаҳрида 18 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли тураржой биносини қуришни мақсад қилган эдик. Қурилиш ишларини молиялаштириш учун корхонамиз маблағлари етарли эмаслиги туфайли банк кредитига эҳтиёж туғилди. Шу боис “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Хоразм минтақавий филиалига имтиёзли кредит ажратилишини сўраб мурожаат қилдик. Қисқа муддатда мурожаатимиз қаноатлантирилди.*

*Биз ана шу кўмак натижасида биринчи қавати савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат бўлган замонавий кўп қаватли тураржой объектини белгиланган муддатда қуриб, фойдаланишга топширдик. Шу орқали Урганч шаҳри аҳолисининг уй-жой билан таъминланишига ўз ҳиссамизни қўшганимиздан бахтиёрмиз.*

*Табиийки, бунда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Хоразм минтақавий филиалининг молиявий ёрдами катта бўлди. Келгусида ҳам ушбу банк билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ниятидамиз.*

**Қ. МАТНИЯЗОВ,**
**«Хоразм Чорсу» МЧЖ раҳбари.**
Хоразм вилояти

Реклама ўрнида


● Реклама ва эълон ●

«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Учтепа тумани судининг 2012 йил 5 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта хирмонтепа (собиқ Сегизбаев) кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш» жамоа корхонасига тегишли, умумий ер майдони 17863 кв.м. ва бинонинг умумий майдони 13700 кв.м. дан иборат 5 та бино ва 3 та иншоот, шундан маъмурий ва маиший бино, устахона, омборхона ва қоровулхона бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 739 627 452 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 28 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙда жойлашган, «Mavlonbek Alibek» МЧЖга қарашли, ер участкасининг майдони 5,74 гектардан иборат, 0001-литердан 0026-литергача бўлган ферманинг бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 833 531 140 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 14 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko`chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.*

312R/562

Республика аҳолиси диққатига!

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томорқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган ёнилғи тежайдиган, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган

«TIGUAN»



русумли мотокультиваторларни таклиф этади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

*Маҳсулот сертификатланган.*

Мурожаат учун телефонлар:
(+99894) 160-27-24, (+99890) 176-81-45.
Факс: (8-371) 234-62-45.

177A/1163



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5